

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАНОВ УТКИР ҚУРБОНОВИЧ

**АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА
ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Утанов Уткир Қурбонович

Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини
ривожлантириш технологияси.....3

Утанов Уткир Қурбонович

Технология развития духовности студентов в процессе внеаудиторных
занятий.....21

Utanov Utkir Kurbonovich

Technology of developing students spirituality extracurricular activities.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УТАНОВ УТКИР ҚУРБОНОВИЧ

**АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА
ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Ped/341 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шадиев Нарзиқул Шадиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Адизов Бахтиёр Раҳмонович
педагогика фанлари доктори, профессор

Муслимов Нарзулла Алиханович
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tgpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферти 2018 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Д.Д.Шарипова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълими жараёнида талабаларни бўлажак касбий фаолиятнинг деонтологик механизмларини такомиллаштириш, маънавият ва маданият уйғунлигида шахсий ва касбий ижтимоийлаштиришнинг технологияларини такомиллаштириш, ижтимоий-эмоционал ва маънавий-ахлоқий малакаларни таркиб топтириш моделларини ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабалар маънавиятининг шакллانганлигини ташхис этишнинг интерактив тизимини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида “шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур”¹, деган хулосага келинди. Маданий-инсонпарварлик ёндашуви асосида олий таълим муассасаларида соғлом маънавий муҳитни таркиб топтириш, бўлажак мутахассисларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, янги миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимини қарор топтириш, маънавий-ахлоқий меросни чуқур ўрганиш, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармонининг² “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида “мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш” назарда тутилган. Мазкур масалалар жамиятимизда камол топаётган шахснинг маънавий-ахлоқий етуқлик муаммосини тўғри ҳал этиш билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистонда илғор хорижий тажрибалар асосида талабалар маънавиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи маънавий бурч, маънавий фазилатларни ривожлантиришга ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар мазмуни, шакл ва методларини ўзаро боғлиқликда ўрганиш натижасида бўлажак мутахассисларнинг маънавий қиёфасини ривожлантириш, маънавий сифатларини ривожланганлигини диагностика қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аудиториядан ташқари машғулотлар талабаларда нафақат умуммаданий компетенцияларни, шунингдек, маънавий-маърифий фаолиятга доир турли ахборот манбаларини мустақил излаб топиш ва улардан фойдаланиш, маънавий-маърифий фаолият субъектлари билан самарали мулоқотга киришиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.17.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги « Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони // « Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль.

ҳолда маънавий-маърифий фаолиятга доир илмий-техник ахборотларни аниқлаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш каби касбий компетенцияларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги ЎРҚ-406-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Кайковус, Юсуф хос-Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод этган жадид маърифатпарварлари Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқаларнинг маънавий-маърифий қарашлари, ғоялари бугунги кунда ҳам талабаларни маънавий ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади.

Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, М.Каххарова, А.Маврулов, Т.Махмудов, Ж.Туленов, Г.Туленова, О.Ғайбуллаев, Э.Юсуповлар томонидан тадқиқ этилган. Психолог олимлардан М.Давлетшин, В.Каримова, А.Леонтьев, А.Маслоу, З.Нишонава, Л.Рубинштейн, Н.Сафаев, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев кабилар томонидан талабалар маънавиятининг шаклланганлиги психологик диагностикаси ва коррекцияси масалалари ўрганилган.

Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик масалалари бўйича Б.Адизов, М.Арипова, М.Ахмедова, О.Жамолдинова, Р.Джураев, Г.Ибрагимова, М.Иномова, Ш.Мардонов, У.Маҳкамов, О.Мусурмонова, С.Нишонава, Ш.Олимов, Д.Рўзиева, У.Толипов, Б.Ходжаев, А.Чориев, Д.Шарипова, Ш.Шарипов, Н.Шодиев, Ш.Шодмонова, Н.Эгамбердиева, К.Қиличева, М.Қуроновлар илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижий давлатлар олимлари томонидан жаҳон олий таълим тизимида талабаларни мустақил ўз-ўзини ривожлантиришга ва таълим олишга йўналтиришнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштиришга, мутахассислик фанларнинг имкониятларини интеграциялаш асосида фанлараро модулли таълим технологияларини ва тарбия технологияларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар J.C.Crumbaugh, R.Henrion, C.Kluckhohn,

E.Shils, L.Kohlberg, M.Rokeach, S.H.Schwartz, W.Bilsky кабилар томонидан амалга оширилган.

Талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш муаммоси билан боғлиқликда турли соҳа олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бироқ кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг аудиториядан ташқари машғулотлар технологиясини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-122. «Юксак маънавиятли шахсни ривожлантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), ИТД-4-108. «Ёшларда моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлигини таъминлаш: муаммо ва вазифалар» (2009-2011 йй.) мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш;

аудиториядан ташқари машғулотларнинг анъанавий ва инновацион шакллари интеграциялаш асосида талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг блок-модулли тизимини такомиллаштириш;

ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлаш асосида аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг профилактик технологиясини такомиллаштириш;

аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти аудиториядан ташқари машғулотларда педагогика таълим йўналиши талабаларининг маънавиятини ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари маънавий идеалнинг белгиловчи роли ва аҳамиятини асослаш орқали бўлажак ўқитувчиларда маънавий-ахлоқий ҳамкорлик қобилятини ривожлантириш асосида аниқлаштирилган;

аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг интеграциялашган тизими маънавий муҳит ва маънавий идеал билан уйғунлигини таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг профилактик технологияси касбий-педагогик йўналганлик, муваффақиятга интилиш ва эмпатия даражаси диагностикаси ва коррекцияси асосида такомиллаштирилган;

аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш (эмоционал-ҳиссий, интенсив таъсир этиш, интегратив компонентлар) витаген ва герменевтик тарбия технологиялари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга доир тьюторлик фаолиятини ташкил этишнинг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган;

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг фалсафий, социологик, психологик ва педагогик омиллари аниқлаштирилган ва тарбиявий фаолиятни ташкил этиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга йўналтирилган аудиториядан ташқари машғулотларнинг модернизацион шакллари аниқлаштирилган ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари такомиллаштирилган;

ахборот-коммуникация технологиялари амалий педагогиканинг тарбиявий имкониятларини интеграциялаш асосида виртуал экскурсия машғулотларини ўтказишнинг электрон модулли дидактик таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда маънавиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, гуруҳ ва микро гуруҳ мураббийларининг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга доир асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти ижтимоий-гуманитар, умумкасбий, мутахассислик фанлари блоклари бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар ва оммавий маънавий-маърифий тадбирлар тизими ишлаб чиқилиб, талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, миллий ғоя ва мафкура асосида талабалар маънавиятининг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ва кўрсаткичлар ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, қўлга киритилган натижалар олий ўқув юртида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва мутахассислик фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандарлари, фан дастурларини ишлаб чиқишда тарбиявий фаолиятга доир компетенцияларни аниқлаштириш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини самарали лойиҳалаш, олий таълим муассасаларида тьюторлик фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик таъминотдан педагогика соҳасига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари:

талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг таксономик мезонлари, блок-модулли компонентлари, интеграциялашган мазмуни олий таълим тизимининг таълим соҳасига доир Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналишларининг малака талаблари («Ўзстандарт» агентлигининг 2015 йил 23 февралдаги 308-сонли хулосаси билан тасдиқланган) мазмунига сингдирилган. Мазкур талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг таксономик мезонлари бакалаврият таълим йўналишлари малака талабларини такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий фаолиятга доир компетенциялар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш босқичлари, гуруҳ мураббийи ва талабаларнинг фаолият турлари, инструментал-дидактик воситаларини ўзида акс эттирувчи тарбия технологияси олий таълим муассасаларида «Биринчи курс мактаби» тарбия тизими ҳамда микрогуруҳларда тьюторлик фаолиятини ташкил этиш жараёнида амалиётга татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2652-сон маълумотномаси). Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш технологияси биринчи курс талабаларининг ижтимоий мослашувини жадаллаштириш ҳамда кичик гуруҳларда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш имконини берган;

кўмакчи-компьютерли тизим ва «Самарқанд маънавият ўчоқлари» электрон харитаси талабаларнинг «Маънавият куни»даги фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда тарихий-маданий объектларни муҳофаза қилиш мутахассислари ва экскурсоводларнинг музей-педагогик фаолиятини самарали амалга ошириш имконини берган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 1 ноябрдаги 89-03-2652-сон маълумотномаси). Натижада республикамизнинг турли ҳудудларидан келган талабаларнинг Самарқанд вилоятидаги тарихий-маданий объектларни чуқур ўрганишлари асосида маънавий билимларининг бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари 10та республика ва 2та халқаро анжуманларда муҳокама этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20та илмий иш, ОАК томонидан тавсия этилган илмий журналлар (1та хорижий илмий журнал)да 8та илмий мақола chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 123 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш шароитида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари»** деб номланган биринчи боби икки банддан иборат бўлиб, талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий зарурият эканлиги ҳамда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг блок-модулли тизими баён этилган.

Мазкур бобнинг биринчи бандида маънавиятнинг жамият ҳаётидаги беқиёс аҳамиятга эга эканлигини асослашга доир республикаимизнинг етакчи олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар асосида маънавият доимий равишда сайқаллашиб, мукаммаллашиб борадиган педагогик воқелик эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда «маънавият» тушунчасига қуйида тарзда таъриф берилди: «Маънавият – инсонни ички олами, руҳий кечинмалари, ақл-заковатининг маҳсули, унинг ижтимоий-руҳий фаолиятининг интегратив дастури бўлиб, у она Ватанга ҳурмат, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизида шаклланади».

Талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш самарадорлигига уларда маънавий эҳтиёж, маънавий бурч, маънавий фазилат, маънавий мерос, маънавий ворислик каби ижобий ҳамда маънавий таҳдид, маънавий заифлик, маънавий тубанлик каби салбий омиллар таъсир кўрсатиши илмий асосланган далиллар асосида аниқлаштирилди.

Олий таълим муассасасида талабаларни маънавий ривожлантиришнинг сифат ва самарадорлиги кўп жиҳатдан мураккаб ва кўп қиррали ўқув-тарбия жараёнининг аудитория машғулоти (маъруза, семинар, амалий ва лаборатория)лари ва аудиториядан ташқари машғулотларининг бу соҳадаги имкониятларидан оқилона фойдаланишга боғлиқ. Аммо ОТМда ўқув-тарбия ишининг аудитория машғулотлари фан дастурлари, вақт меъёрлари ва аввалдан белгилаб қўйилган машғулотлар шакл, методлари билан чегараланган. Гарчи аудитория машғулотларида ҳам тарбиявий мақсадни амалга оширишга ҳаракат

қилинса ҳам, бироқ асосий эътибор ўқув мақсадларига эришишга қаратилади. Шу боисдан ҳам у ҳамма вақт ҳам талабаларнинг маънавий истак-хоҳишлари ва эҳтиёжларини тўлиқ қаноатлантира олиш, уларнинг маънавий-ахлоқий ва маърифий соҳаларда жонли мулоқотга эркин киришишлари, эмоционал сифатларини таркиб топтириш, ўз шахсий нуктаи назарларини ҳимоя қилиш кабиларга тўлиқ имкон бермайди.

Тадқиқот натижалари талабалар маънавиятини ривожлантириш самарадорлиги динамик равишда ривожланиб боровчи ўта мураккаб ва кўп қиррали ОТМ ўқув-тарбия иши таркибидан мустақил таълим-тарбия шакли сифатида аудиториядан ташқари машғулотларни ажратиб олишни ва ўрганишни тақозо этди. Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш жараёни ҳам ўз навбатида мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва мутахассислик фанлари блоклари бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар мазмуни ва шакл, методларини ўзаро боғлиқликда ўрганган тақдирдагина самарали кечиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келинди.

Аудиториядан ташқари машғулотлар ва маънавий-маърифий оммавий тадбирлар тизими таркибий қисмларини интеграциялаш жараёни мураккаб кўринишга эга, ривожланувчи объект бўлиб, у кўп ўлчовли ёндашувни қўллашга зарурат туғдирди. Интеграция жараёнини ҳосил қилишнинг назарий асоси сифатида аудиториядан ташқари машғулотлар ва тадбирлар орқали талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш муаммосини ҳал қилишда тизимли ва фаолиятли ёндашув ҳамда педагогик интеграциянинг назарий асослари хизмат қилади.


Тадқиқот натижалари асосида «Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш» таълим йўналиши ўқув режасига киритилган ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва мутахассислик фанларининг имкониятлари, оммавий, жамоавий (гуруҳий), индивидуал машғулотлар ҳамда оммавий маънавий-маърифий тадбирларнинг ранг-баранг шакллариининг ўзаро мустаҳкам алоқаларини ўрнатиш орқали талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг яхлит тизими ишлаб чиқилди (1-расм).

Диссертациянинг иккинчи боби «**Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг методик таъминоти**» деб номланиб, унда аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантириш технологияси, тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш ва режалаштириш ҳамда ахборот технологиялари воситасида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни ташкил этиш методикаси ёритиб берилди.

Тадқиқот доирасида аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг тўрт босқич (маънавий эҳтиёж, маънавий маърифат, маънавий фаолият ва маънавий қиёфа)га асосланган технологик модели ишлаб чиқилди (1-жадвал).

Технологиянинг биринчи босқичи талабаларда маънавий эҳтиёжни қарор топтиришга йўналтирилган бўлиб, мазкур жараёнда уларда маънавий

бойликларни ўзлаштиришга қизиқиш ва хоҳиш-истакни ривожлантириш мақсади амалга оширилди.



1-расм. Аудиториядан ташқари машғулот жараёнида талабаларнинг маъnavиятини ривожлантиришнинг блок-модулли тизими

Технологиянинг маънавий-мафкуравий билимдонликни таркиб топтиришга йўналтирилган «маънавий маърифат» босқичида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш улар томонидан маънавий маданият тарихини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўзлаштиришни талаб этди. Мазкур мақсадга эришиш учун эса аудиториядан ташқари ишлар жараёнида миллий маънавий меросимиз билан боғлиқ анжуман-маъруза, тренинг ва амалий машғулотларни, маънавий меросни тарғиб қилишга қаратилган кўрик-танловлар, шоу-технологиялардан фойдаланилди. Технологиянинг учинчи босқичида аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг ҳамкорликдаги ва биргаликдаги ижодий фаолиятни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур жараёнда ўйин, очиқ мулоқот, кўрсатув ва қисқа митражли фильмларни муҳокама қилиш каби метод ва усуллар кенг қўлланилди.


1-жадвал

Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг технологик модели

Босқичлари	Мазмуни	Шакл, метод ва усуллари
Маънавий эҳтиёж	Талабаларда маънавий эҳтиёжни қарор топтириш, уларда маънавий бойликларни ўзлаштиришга қизиқиш ва хоҳиш-истакни ривожлантириш	Диагностик методлар (анкета, савол-жавоб, мавзули суҳбат), дебат, ўз-ўзини таҳлил этиш, ўз-ўзини англаш
Маънавий маърифат	Талабаларнинг маънавий маърифат тарихини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини мукамал ўзлаштиришларига эришиш	Анжуман-маъруза, тренинг, амалий машғулотлар, кўрик-танловлар, шоу-технология
Маънавий фаолият	Талабаларда ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилияти ҳамда мақсад сари интилиш каби фазилатлар ривожлантириш	Ўйинлар, турли босқичдаги талабаларнинг очиқ мулоқоти, кўрсатув ва фильмлар муҳокамаси
Маънавий қиёфа	Талабаларда маънавий бойликларни ўзлаштириш ва яратиш, воқеа-ҳодисаларни экспертизадан ўтказиш салоҳияти ҳамда воқеликка дахлдорлик туйғусини ривожлантириш	Кейс-стади (аниқ вазиятларни ҳал этиш), ўзаро ҳамкорликдаги фаолият, коррекцион иш методлари

Талабаларнинг педагогика олий таълим муассасасидаги таҳсилининг интиҳоси юксак маънавий қиёфанинг шаклланиши билан белгиланади. Ана шу сабабли технологиянинг тўртинчи босқичи «маънавий қиёфа» деб номланади. Мазкур босқичда талабаларда маънавий сифатларнинг тўлиқ ривожланганлигини диагностика қилиш ва коррекциялашга алоҳида эътибор қаратилди. Технологиянинг тўртинчи босқичида, асосан, аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талабаларнинг индивидуал фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш, уларнинг малакавий амалиёт давомида зиёлилик сифатларининг намоён бўлишини ташхис этиш ва мунтазам тузатиб бориш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни технологиялаштиришда қуйидаги босқичларга асосланилди (2-расм).



2-расм. Тарбиявий тадбирларни технологиялаштириш босқичлари

Тарбиявий тадбирларни ташкил этиш мазкур жараёни лойиҳалашдан бошланиб, дастлаб талабаларда таркиб топтирилиши лозим бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва мотивларни аниқлаб олишдан бошланади, яъни талабаларда тарбиявий тадбирларда иштирок этишга ички куч ва имкониятларини таркиб топтиришни тақозо этади.

Талабаларда маънавиятни ривожлантиришга қаратилган тарбиявий тадбирлар самарадорлигига эришиш мумкин бўлган натижалар билан эришилган натижа ўртасидаги муносабатларнинг ифодаланиши, тарбиявий жараёнда натижавийликни таъминланиши учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши заруриятини тақозо этди: маънавий эҳтиёжнинг аҳамияти ва заруриятининг англаб етилиши, тарбия жараёни ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнида мотивларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, талабаларда юксак маънавий фазилатларни эгаллашга бўлган ижобий мотивларни ривожлантириш, талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш учун зарурий ва қулай шарт-шароит яратувчи ижодий муҳитни яратиш, тарбия жараёнида ҳамкорликка асосланилиши, талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатувчи омилларнинг ҳисобга олиниши.

Тарбиявий тадбирларни лойиҳалаш босқичининг яна бир муҳим таркибий қисми баҳолаш ва рефлексиядир. Тадқиқот жараёнида педагогик баҳо-лашнинг икки тури қўлланилди: очиқ педагогик баҳолаш ва ёпиқ тарздаги педагогик баҳолаш. Тадқиқот натижалари талаба шахсининг субъектив мустақиллигини

интенсив ривожлантиргани боис, ёпиқ тарздаги педагогик баҳолаш самарали эканлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи мақсадни кўзлаш босқичидан кейин бошланади ва ундан фақат назарий жиҳатдан фарқланади, аммо амалий жиҳатдан бу ажралмас жараёндир. Бу босқичда тарбиячилар олдида тарбияланувчилар билан бирга фаолият йўналишининг барча қисмларини аниқлаш, иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларни қандай қилиб бажариш лозимлигини кўрсатиш каби муҳим вазифалар ҳам туради.

Тадқиқот натижасида талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга йўналтирилган Самарқанд шаҳрида маданий объектларни ҳисобга олиш, тарихий обидаларнинг рўйхатларини тузиш ҳамда уларнинг Самарқанд шаҳри ҳудуди(кўча ва маҳаллалар)да жойлашишига мос равишда Самарқанд шаҳрининг географик харитаси асосида «Самарқанд маънавият ўчоқлари» электрон харитаси ишлаб чиқилди. Мазкур электрон харитада жойлашган ҳар бир маънавият ўчоғи ҳақида баён қилинган маълумотлар билан бир қаторда ушбу экскурсия объектини мукамал ўрганишга эришиш, талабаларни кичик тадқиқотларга жалб қилиш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида ҳар бир талаба (индивидуал) ва кичик гуруҳларда бажаришга мўлжалланган топшириқлар мажмуи келтирилган.

Талабаларнинг маънавий-маърифий мавзулардаги компьютерли мулоқот дастурларидан фойдаланишга қизиқишларини ривожлантиришнинг муҳим шакли виртуал экскурсиядир. Виртуал экскурсия хилма-хил ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда талабаларни маънавий-маърифий ишларни лойиҳалаштириш фаолиятига тайёрлаш жараёнида уларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатга тайёрлашга йўналтирилган педагогик воситани ўзида акс эттиради.

Анъанавий экскурсиялардан фарқли равишда виртуал экскурсиялар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, махсус жиҳозланган ўқув хоналарида ўтказилади. Мазмунига кўра виртуал экскурсиялар маънавий-маърифий ишлар мавзусига мос равишда ташкил этилади, шунинг учун талабаларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш ва кенгайтиришга хизмат қилади. Масалан, ана шундай виртуал экскурсиялар Самарқанд давлат университети талабалари билан аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида «Самарқанд маънавият ўчоқлари» мавзусида ташкил этилди. Мазкур жараёнда ҳар бир талабанинг алоҳида қадамжолар ҳақида маълумотларни ўрганишлари вазифа сифатида белгиланди. Виртуал экскурсияни ташкил этишга доир машғулот бир нечта босқичда амалга оширилди:

биринчи босқичда талабалар билан ҳамкорликда уларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, экскурсиянинг мақсади аниқланди ва объектлари белгилаб олинди. Ушбу экскурсиянинг мақсади сифатида Самарқанд шаҳрида жойлашган қадамжолар, улардаги моддий ва маънавий кадриятлар ҳақидаги қўшимча маълумотларни ўрганиш асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш белгилаб олинди;

иккинчи босқичда махсус ишлаб чиқилган электрон харита асосида талабалар мустақил равишда объектлар тўғрисидаги ахборотларни излашди, уларни ўрганиб, таҳлил этиш асосида маънавий ўчоқлари ҳақидаги тайёрланадиган маърузанинг режасини тузишди. Сўнгра кўргазмали материаллар асосида тақдимот яратишди. Талабалар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда ҳар бири ўзи тайёрлаган маърузага тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш мақсадида синов тариқасидаги тақдимотларни ўтказишди. Сўнгра умумий ўрта таълим мактабларидан таклиф этилган ўқувчи-экскурсантлар билан бирга талабалар виртуал экскурсияни амалга оширишди. Экскурсияга жалб этилган ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб беришди;

якуний босқичда гуруҳ мураббийи томонидан тақдим этилган мезонлар асосида талабаларнинг тақдимотлари муҳокама этилди ва баҳоланди.

Виртуал экскурсия ахборотларни таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш ҳамда замонавий технологиялар воситасида маънавий-маърифий фаолиятга доир малакаларни таркиб топтириш имкониятини юзага келтирди. Виртуал экскурсияга тайёрланиш ижодий жараён саналиб, ташаббускорлик, ностандарт фикрлашни ривожлантиради ҳамда аниқ натижаларни эришишни кафолатлайди. Ўз навбатида экскурсияни ташкил этиш талабаларнинг маънавий оламини янада бойитиш, миллий ғурур, ифтихор туйғуларини ривожлантириш, маънавий-маърифий малака талабларини эгаллаш, шунингдек, эътиборлилик, хайрихоҳлик, толерантлик каби шахсий сифатларни тарбиялашга хизмат қилади. Ўқув аудиториясидаги ҳамкорликдаги фаолият, унинг натижаларини баҳолаш талабаларга ўз имкониятларини баҳолаш, танқидий фикрлашни ривожлантириш имкониятларини тақдим этади.

Виртуал экскурсия талабаларда нафақат умуммаданий компетенцияларни, балки қуйидаги касбий компетенцияларни шакллантириш имконини берди: маънавий-маърифий фаолиятга доир турли ахборот манбаларини мустақил излаб топиш ва улардан фойдаланиш, маънавий-маърифий фаолият субъектлари билан самарали мулоқотга киришиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маънавий-маърифий фаолиятга доир илмий-техник ахборотларни аниқлаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш.

Диссертациянинг учинчи боби **«Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантириш самарадорлиги»** деб номланиб, унда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш мезонларига асосланган ҳолда, тажриба-синов ишларини ўтказишга доир қуйидаги материаллар тайёрланди ва тажриба-синов объектларига тақдим этилди: «Маънавий ўчоқлари» компьютер мулоқот дастури, «Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз» номли мулоқотли дастур, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир фаолиятларини ўрганишга доир анкета саволлари, ОТМ талабаларининг маънавий-маърифий ишларга муносабатини аниқлашга доир анкета саволлари, ОТМ талабаларининг маънавиятга доир билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш тест саволлари.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасалари талабалари маънавиятини ривожланганлик даражасини аниқлашга хизмат қиладиган мезонларнинг ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилди. Олий таълим муассасалари, шунингдек, талабалар фаолиятини бевосита ва билвосита кузатиш, респондент-талаба ҳамда ўқитувчилар иштирокида суҳбат, давра суҳбати, дебат, баҳс-мунозара, маъруза, конференция, амалий, семинар ва тренингларни ташкил этиш, асословчи тажриба-синов ишлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, талабаларнинг маънавиятини ривожланганлик даражаси қуйидаги мезонлар асосида аниқланди: маънавият тушунчасининг мазмун-моҳиятини билишлари ва тушуна олишлари, маънавият билан боғлиқликда ўрганилган материалларни амалий фаолиятда қўллаш олиш, маънавий ҳаётни анализ ва синтез қила олиш, шахс маънавий эҳтиёжларини баҳолай олиш.

Талабаларнинг маънавиятини ривожланганлик даражасининг сифат кўрсаткичларига мувофиқ математик-статистик метод асосида қайта таҳлил этишга имкон берувчи юқори, ўрта ва паст даражаларга ажратилди. Хусусан, юқори даражада маънавият тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини чуқур англайдилар, уларда маънавий эҳтиёж юзага келган, маънавий баркамолликни белгилаб берувчи фазилатлар тўлиқ намоён бўлади ҳамда маънавият соҳасида алоҳида фаоллик кўрсата оладилар, ўрта даражада маънавият тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини етарли даражада англайдилар, уларда маънавий эҳтиёж юзага келган, маънавий баркамолликни белгилаб берувчи фазилатлар намоён бўлади, бироқ маънавият соҳасида алоҳида фаоллик кўрсата олмайдилар, паст даражада маънавият тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятини қисман англайдилар, уларда маънавий эҳтиёж вужудга келган, маънавий баркамолликни белгилаб берувчи фазилатлар аниқ намоён бўлмайди, шунингдек, маънавият соҳасида фаоллик кўрсатмайдилар.

Респондент-талабаларда маънавиятнинг ривожланганлик даражаси юқорида кўрсатиб ўтилган мезонлар асосида аниқлаш мақсадида улар фаолияти юзасидан педагогик кузатиш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, талабалар иштирокида суҳбат, баҳс-мунозаралар, дебат, турли йўналишдаги танлов ва давра суҳбат ва экскурсиялар ташкил этилиб, ушбу жараёнда улар томонидан намоёиш этилган хатти-ҳаракатларнинг моҳияти таҳлил қилинди, талабалар фаолиятининг моҳияти ва мазмуни ўрганилди. Умумий таҳлил натижаларига асосланиб, талабаларнинг маънавиятини ривожланганлик даражаси қуйидаги умумлашган кўринишда жадвал тарзида ифодаланди (2-жадвал). Тажриба-синов ишларининг якунида эришилган натижалар тажриба ҳамда назорат гуруҳларига жалб этилган респондент-талабаларда маънавиятни ривожланганлик даражаси кўрсаткичлари диаграммада қуйидагича акс этди (3-жадвал).

Натижалар SPSS Statistics (Statistical Package for the Social Sciences) дастурий таъминоти ёрдамида математик таҳлил этилди. Асословчи ва таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлили 4-жадвалда келтириб ўтилган.


2-жадвал

Талабалар маънавиятининг ривожланганлик даражаси

№	Мезонлар	Тажриба гуруҳи $n_1=320$			Назорат гуруҳи $n_2=322$		
		Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
1.	Маънавият тушунчасининг луғавий маъноси ва мантиқий моҳиятининг чуқур англашганлиги	121	156	43	89	95	138
2.	Маънавий эҳтиёжнинг юзага келганлиги	103	168	49	74	117	131
3.	Маънавий баркамолликни белгилаб берувчи фазилятларнинг намоён бўлиши	97	175	58	49	105	168
4.	Маънавият соҳасида алоҳида фаоллик кўрсата олишлари	74	186	60	33	86	203

3-жадвал

Респондент-талабаларда маънавиятнинг ривожланганлигининг ўртача коэффицентини диаграммада ифодаланиши



4-жадвал

Талабаларни маънавиятининг ривожланганлик даражаси (асословчи ва таъкидловчи босқичларнинг қиёсий таҳлили)

Курс	Гуруҳ	Талабалар сони	Ривожланганлик даражаси
			Балл
1	ТГ	320	172,6±8,01
1	НГ	322	172,2 ±7,87
Таъкидловчи босқич			
4	ТГ	320	239,5±8,80***
4	НГ	322	190,7±10,48***

*** ишонарли фарқ $p \geq 0,001$.

Хулоса: 4-жадвал натижалари бўйича асословчи босқичда тажриба ва назорат гуруҳи талабаларида бадиий-эстетик компетентликнинг

ривожланганлигида ишонарли фарқ кузатилмади. Таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижалари эса тажриба ва назорат гуруҳларида ишонарли фарқ ($p \geq 0,001$) кузатилганлигини тасдиқлайди.

Олинган натижалар тажриба гуруҳида бадий-эстетик компетентликнинг ривожланганлик даражаси назорат гуруҳидан юқори эканлиги ҳақидаги хулосага келиш имконини берди.

ХУЛОСА

1. Талабаларда маънавий эҳтиёжни ривожлантириш учун қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: шахс маънавий эҳтиёжини қондириш учун уни ўрганиш лозим. Буни англаб етмасдан мақсадга эришиш мумкин эмас, маънавий эҳтиёжни тез фурсатда ривожлантириш мумкин эмас, маънавий эҳтиёжни ривожлантириш учун ҳар бир фуқарода зиёлилик сифатларини ошириш талаб этилади.

2. Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни ижобий ва салбий турларга ажратиш мумкин. Маънавий эҳтиёж, маънавий бурч ва маънавий фазилатлар ижобий омиллар ҳисобланса, маънавий бузғунчилик, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари ҳислатлар салбий тавсифга эгадир. Талабаларда мазкур салбий сифатларнинг намоён бўлишига имкон бермаслик, унинг олдини олиш ўта муҳимдир. Бунинг учун энг аввало, маънавий таҳдид, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари иллатларнинг ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

3. Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларни маънавий ривожлантириш жараёни ҳам ўз навбатида мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва мутахассислик фанлари блоклари бўйича аудиториядан ташқари машғулотлар мазмуни ва шакл, методларини ўзаро боғлиқликда ўрганган тақдирдагина самарадорлиги ортиши ҳақидаги хулосага келинди.

4. Аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларни маънавий ривожлантириш тизимининг бошқа тизимлардан ажратиб турадиган хусусияти, унинг муҳим таркибий қисмларининг ўзаро мустаҳкам алоқаси (ўзини-ўзи ташкиллаштириши) туфайли вужудга келадиган бир бутунлиги ва яхлитлигидир. Ушбу нуқтаи назардан талабаларни аудиториядан ташқари машғулотларда маънавий ривожлантириш муаммоси маълум мақсадга қаратилган, бир-бири билан яқин ўзаро узвий алоқада бўлган яхлит интегратив тизим сифатида қаралиши ва ўрганилишини тақозо этади.

5. Тадқиқот доирасида аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг тўрт босқич (маънавий эҳтиёж, маънавий маърифат, маънавий фаолият ва маънавий қиёфа)га асосланган технологик модели ишлаб чиқилди. Педагогика олий таълим муассасаларида маънавий фаолиятни самарали йўлга қўйилганлиги кўп жиҳатдан талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ва унинг даражаси билан белгиланади. Талабаларнинг педагогик олий таълим муассасадаги таҳсилининг якуни уларда маънавий қиёфанинг шаклланиши билан тугалланиши лозим. Ана шу сабабли

технологиянинг «маънавий қиёфа» деб номланган босқичида талабаларда маънавий сифатларнинг тўлиқ шаклланганлигини диагностика қилиш ва коррекциялашга алоҳида эътибор қаратилди.

6. Аудиториядан ташқари ишлар жараёнида талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш технологиясининг самарадорлиги аниқ методик таъминотнинг яратилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида экскурсиялар, бадий-оммавий тадбирларни ташкил этишга доир методик ишланмаларни ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

7. Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга доир тарбиявий тадбирларни ташкил этиш қуйидаги икки босқичдан иборат тарзда амалга оширилиши лозим: *лойиҳалаш* – қизиқиш, эҳтиёж ва мотивларни аниқлаштириш, мақсад ва вазифалар ҳамда кутиладиган натижаларни ойдинлаштириш, шакл, метод ва воситаларни танлаб олиш; баҳолаш ва рефлексия ҳамда *режалаштириш* – тадбирни ўтказиш босқичлари ва вақтни тақсимлаш, мураббий-тарбиячининг вазифалари; талабанинг иш тартиби, тарбиявий тадбир материаллари.

8. Тадқиқот натижалари асосида Самарқанд шаҳрида маънавиятимизни ниҳоятда юксаклигидан далолат берувчи моддий меросни маънавий жиҳатини ўрганиш, тарихий обидаларнинг рўйхатларини тузиш ҳамда уларнинг Самарқанд шаҳри ҳудудида жойлашишига мос равишда, шаҳарнинг географик харитаси асосида «Самарқанд маънавият ўчоқлари» электрон харитаси ишлаб чиқилди. Электрон хаританинг яратилиши талабаларнинг моддий-маънавий меросни тизимли ўрганиш, турли ҳудудда жойлашган олий таълим муассасаси талабалари томонидан маънавият ўчоқларига виртуал экскурсияни ташкил этиш ва ўтказиш имконини яратди.

9. Виртуал экскурсия талабаларда нафақат умуммаданий компетенцияларни, шунингдек, маънавий-маърифий фаолиятга доир турли ахборот манбаларини мустақил излаб топиш ва улардан фойдаланиш, маънавий-маърифий фаолият субъектлари билан самарали мулоқотга киришиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, маънавий-маърифий фаолиятга доир илмий-техник ахборотларни аниқлаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш каби касбий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилди.

10. Талабалар маънавиятининг ривожланганлик даражасини баҳолаш, маънавият тушунчасининг мазмун-моҳиятини билиш ҳамда тушуна олишлари ва уларни амалий фаолиятда қўллай олиш, маънавий ҳаётни анализ ва синтез қила олиш, шахс маънавий эҳтиёжларини баҳолай олиш каби мезонларнинг статистик ва факторли таҳлили диагностик тадқиқотлар учун асосий кўрсаткич бўлиши лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УТАНОВ УТКИР КУРБОНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ ДУХОВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ
ВНЕАУДИТОРНЫХ ЗАНЯТИЙ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.4.PhD/Ped/341.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Шадиев Нарзикул Шадиевич**
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Адизов Бахтиёр Рахмонович**
доктор педагогических наук, профессор

Муслимов Нарзулла Алиханович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №____). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки №_____ от _____ 2018 года).

Ш.С. Шарипов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

Р.Г.Исянов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, к.п.н., доц.

Д.Д.Шарипова

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Совершенствование деонтологических механизмов будущей профессиональной деятельности студентов в процессе мирового высшего образования, совершенствование технологий личностной и профессиональной социализации в сочетании духовности и культуры, разработка моделей формирования социально-эмоциональных и духовно-моральных умений, а также интерактивной системы диагностирования сформированности духовности студентов посредством информационно-коммуникационных технологий имеет актуальное значение.

В годы независимости Узбекистана пришли к выводу, что «каждый человек, живущий в этой стране должен познать самого себя, глубоко освоить нашу древнюю историю и богатую культуру, наследие наших великих предков, самостоятельно мыслить по отношению к сегодняшней меняющейся с большой скоростью действительности, а также жить с чувством причастности ко всем изменениям, происходящим в нашей стране.»¹ На основе культурно-гуманитарного подхода было достигнуто создание здоровой духовной среды в высших учебных заведениях, сформированы высокие духовно-моральные качества будущих специалистов, глубоко изучено духовно-моральное наследие, созданы новые духовно-моральные ценности, усовершенствованы педагогические механизмы воспитания в духе национальной гордости. Четвертое направление Указа Президента Республики Узбекистан ПФ 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², называемое «Развитие социальной сферы», предусматривает обеспечение доступности заведений детского дошкольного образования, повышение качества общего среднего, среднего специального и высшего образования, а также реализацию мер по их развитию. Данные задачи непосредственно связаны с правильным решением проблемы духовно-морального совершенствования каждой подрастающей личности нашего общества.

Отдельное внимание уделяется развитию духовности студентов на основе передового зарубежного опыта, развитию таких факторов как, духовный долг, духовные качества, оказывающие действие развитию духовного облика будущих специалистов, диагностике развитости их духовных качеств в результате изучения содержания, формы и методов внеаудиторных занятий по социально-гуманитарным, обще-профессиональным, и специальным дисциплинам. В этой связи имеют важное значение внеаудиторные занятия не только в плане формирования общих культурных компетенций, но и формирования таких профессиональных компетенций, как самостоятельный поиск и использование информационных источников по духовно-просветительской деятельности, проведение эффективных переговоров с субъектами духовно-моральной сферы, установление, анализ и обработка

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б.17.

²Указ Президента Республики Узбекистан ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 г.

научно-технической информации по духовно-моральной деятельности с использованием информационно-коммуникационных технологий.

Данная диссертационная работа служит осуществлению Закона Республики Узбекистан «О государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 года, Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и Постановления Президента Республики Узбекистан № ПК-3160 от 28 июля 2017 года «О поднятии на новый этап повышения эффективности духовно-просветительских работ и развития дальнейшего развития области», а также осуществлению задач, поставленных другими правовыми документами, соответствующими данной деятельности.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики».

